

4

2020

MOLIY A

ILMIY JURNAL



ISSN 2010-9604

TOSHKENT

МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

4/2020

Муассис: Тошкент молия институти

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир: *А.Каримов*
Бош муҳаррир ўринбосари: *С.Меҳмонов*
Муҳаррир: *М.Хусанова*
Техник муҳаррир: *Н.Абдуллаев*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2008 йил 24 мартда 0519-рақам билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 13 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган ОАК илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: www.tfi.uz/Issues/Jmoliya
e-mail: moliya@tfi.uz
Обуна индекси – 1204

Таҳририят манзили: 100084,
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 60^а-уй
Тел.: (0 371) 234-66-89

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:

А.А.КАРИМОВ – Бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори, профессор.

С.У.МЕҲМОНОВ – Бош муҳаррир ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Т.К.ИМИНОВ – «Alskom» суғурта компанияси Бош директори.

М.Б.НУРМУРАТОВ – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси.

А.Ж.ТЎЙЧИЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Т.С.МАЛИКОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Э.Ғ.НАБИЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Т.Т.ЖЎРАЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

З.Х.ТОШМАТОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Б.Э.ТОШМУРОДОВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ш.З.АБДУЛЛАЕВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ф.Х.НАЗАРОВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.

А.С.ЖЎРАЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

А.З.АВЛОҚУЛОВ – иқтисод фанлари доктори.

С.Э.ЭЛМИРЗАЕВ – иқтисод фанлари доктори.

Ж.АТАНИЯЗОВ – иқтисод фанлари доктори.

Ф.Т.МУҲАМЕДОВ – иқтисод фанлари доктори.

ТАН СРИ ДАТО ЖОЗЕФ АДАЙКАЛАМ – Малайзия, Байнерий университети Президенти, профессор.

А.Ш.ҲАСАНОВ – PhD, Австралия Монаш университети кафедра мудири.

Э.Р.ЗАКИРОВА – PhD, доцент Уралского государственного экономического университета.

ТАЕ-НУОНГ МУН – Жанубий Корея, Моквуон университети профессори.

ПИТЕР ХАЙК – Чехия Республикаси, Богем университети профессори.

ЯВУЗ ДЕМИРЕЛ – Туркия Республикаси, Кастамону университети профессори.

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

- С.А.Турабов.** Давлат харидларини ташкил этишнинг иқтисодий мазмуни ва унинг иқтисодиётда тутган ўрни.....5
- М.А.Шарапова.** Халқ таълими тизимини бюджетдан молиялаштириш амалиётининг таҳлили 12

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

- Ш.У.Азизов, М.И.Каримжонова.** Пандемия шароитида божхона назорати ва расмийлаштирувини янада соддалаштиришда божхона аудитининг ўрни21
- A. Gafurova.** Factors influencing financial results30
- С.И.Самиев.** Инвестициялаштиришда маблағларнинг реал қийматини аниқлаш ва унинг молиялаштиришга таъсири35
- N.Ya. Ismailova.** Evaluation of the effectiveness of the internal audit service of JSC “Uzbekiston Temir Yullari» (Uzbekistan Rail Ways)42

БАНК ИШИ

- Қ.Н.Хусанов.** Тижорат банкларида инновацион банк хизматларининг ривожлантирилиши.....50
- Н.Шарипова.** Замонавий иқтисодиётда тўлов тизимларининг турлари ва уларни такомиллаштириш йўллари58
- Ф. Бобобеков.** Тижорат банкларини трансформациялаш жараёнида факторинг амалиётини кенгайтириш масалалари67
- Ф.Қодиров.** Марказий банкнинг таргетлаш монетар сиёсати: вақт ўзгарувчанлиги муаммоси77
- М.Л.Искандаров.** Банклар томонидан саноат корхоналарини кредитлаш амалиётини такомиллаштириш.....85
- А.А.Исмаилов.** Пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари.....91

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

- А.Р.Рустамов.** Особенности современных «торговых войн»: понятие, сущность и эволюция98

Ш.Қобилов, Ш.Аллаяров. «Яширин иқтисодиёт»ни идрок этиш иқтисодий хавфсизликни таъминлаш омили.....	106
--	-----

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

А.Б.Абдуллаев. Солиқ таҳлилининг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш	116
М.Қ.Сабилов. Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш	125

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

О.Р.Мейлиев, И.Ш.Иброхимов. Цифровая экономика и её роль в развитии финансовой системы Узбекистана.....	135
З.А.Нуриддинов. Ўзбекистон Республикаси минтақаларининг инновацион ривожланишини эконометрик моделлаштириш	144

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ

З.М.Жабборова. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда меҳнат фаолиятини рағбатлантириш йўналишлари	153
Ш.Р.Холмўминов, К.З.Хомитов. Ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш яқин истикболлари	163
О.О. Караматов, Г.К. Жаксыгулова, А.А.Каримов. Региональные агрокластеры как форма агропромышленной интеграции	174

СУҒУРТА ИШИ

О.Т.Юлдашев. Аннуитет суғуртаси: маҳаллий ва хорижий тажриба	183
Н.А.Маврулова. Суғурта бизнесида инновацияларнинг жорий қилиниши.....	193

УЎТ 33.330.45.(04)

Ш.Р.ХОЛМЎМИНОВ, К.З.ХОМИТОВ

**НОҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ИШИ
ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЯҚИН ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Ушбу мақолада замонавий ва юқори адекватликка эга эконометрик моделларни ва уларга тегишли амалий дастурлар пакетларини қўллаш асосида Ўзбекистон Республикаси ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ ёшлари учун янги иши ўринлари яратилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли истиқболлари аниқланган. Унинг асосида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида яқин келажакда қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашнинг замонавий турлари ва воситаларини ривожлантириш, янги иши ўринларини яратишнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамияти очиб берилган.

В статье определены краткосрочные перспективы создания новых рабочих мест и трудоустройства сельской молодежи в несельскохозяйственных отраслях Республики Узбекистан на основе использования современных и адекватных эконометрических моделей и пакетов приложений. Выявлено важное социально-экономическое значение развития современных видов и средств занятости сельской молодежи, создания новых рабочих мест в несельскохозяйственных отраслях в ближайшее время.

This article identifies short-term prospects for creating new jobs and employment for rural youth in the non-agricultural sectors of the Republic of Uzbekistan through the use of current and very adequate econometric models and packages of their applications. It has revealed the important socio-economic importance of the development of modern types and means of employment of rural youth, the creation of new jobs in non-agricultural industries in the near future.

Таянч сўзлар: ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари, қишлоқ ёшлари, иш билан таъминлаш, ишсизлик, иш билан бандлик, эконометрик модель, прогноз, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, янги иши ўринлари.

Ключевые слова: несельскохозяйственные отрасли, сельская молодежь, занятость, безработица, занятость, эконометрическая модель, прогноз, трудовые ресурсы, рынок труда, новые рабочие места.

Key words: non-agricultural industries, rural youth, employment, unemployment, employment, econometric model, forecast, manpower, labor market, new jobs.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ёшлар ўртасида ишсизлик кўрсаткичларининг юқори даражада ўсиб бораётганлиги кўпчилик мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий

бекарорликни келтириб чиқарувчи омилга айланиб бормоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, 2019 йилнинг декабрь ойидан бошланиб ҳозирга қадар давом этаётган пандемия туфайли дунёдаги ёшларнинг 20 фоизи ишсиз қолди. Коронавирус пандемияси оқибатида дунёдаги ҳар беш ёшдан бири ишсиз қолди, ишлаётганларнинг бандлиги эса 23 фоизга қисқарди [1].

Маълум бўлишича, 2020 йилнинг февраль ойи охиридан бери ёшлар орасида ишсизлик бирданига ортгани кузатилмоқда. Бунда йигитлардан кўра қизлар кўпроқ ишсиз қолган. Пандемия оқибатида ёшлар нафақат ишсиз қоляпти, балки уларнинг таълим жараёни ва касбий тайёргарлиги издан чиқди, айниқса, янги иш бошлайдиганлар ёки бир ишдан бошқасига ўтаётганлар учун оғир бўляпти.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, 2019 йилда ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 13,6 фоиз бўлган. Дунёда қарийб 267 миллион ёшнинг иши йўқ, улар таълим олмаган ёки касбий тайёргарликдан ўтмаган. 15–24 ёш оралиғида бўлган ва ёлланиб ишлайдиганлар кўпинча кам ҳақ олади, норасмий тарзда ёки мигрант сифатида ишлайди [2].

Глобаллашув жараёнининг натижаси ўлароқ, мазкур ҳолат Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг маълумотларига кўра, «Барча давлатларга пандемия ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Ўзбекистонда ҳам пандемиядан олдин ишсизлар сони ўртача 1 миллион 350 мингга яқин эди, пандемия бошлангач қатор корхоналар фаолияти тўхтатилди ва ишсизлар сони қарийб 2 млн.га яқинлашди» [3]. Вазият, айниқса, қишлоқ ҳудудларимизда янада мураккаб. Ёшларнинг меҳнат миграцияси деярли тўхтаб қолган. Айни пайтда Ўзбекистонда 550 мингга яқин фуқаро бошқа давлатларга ишлаш учун чиқиб кета олмаган. Мавжуд иш ўринлари мамлакат миқёсидаги қишлоқ ёшлари ўртасидаги ишсизлик даражасини камайтиришга ожизлик қилади. Ана шундай вазиятда мавжуд захиралардан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳудудларининг ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга ошириш янада долзарбдир.

Айни вақтга келиб, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар нуктаи назаридан қаралганда қишлоқ жойларидаги ҳолат ўзгариб, унда қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқлар асосий иқтисодиёт секторига айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги кластерларини ташкил этиш, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа тармоқларни кенгайтириш масалаларига эътиборни қаратиш қишлоқ ҳудудларида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш, ёшлар ўртасида ишсизликни камайтириш имкониятини яратади [4].

2020 йил – “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастури доирасида ҳукумат жорий йилда турли йўналишлардаги лойиҳаларнинг кафолатланган маблағлари ҳисобидан 500 мингга янги иш ўрни ташкил этишни таъминлаши режалаштирилган [5]. Бу иш ўринларининг аксарияти қишлоқ ҳудудларида ташкил этилади ва уларнинг салмоқли қисмида ёшлар фаолият кўрсатишади.

Тадқиқотнинг мақсади туб иқтисодий ислохотларни амалга ошириш негизида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринлари яратилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли истиқболларини аниқлаш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсияномалар ишлаб чиқишдан иборат.

Илмий тадқиқотнинг методологик асослари ва усуллари

Тадқиқотда тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил, макроиқтисодий таҳлил, гуруҳлаш, эксперимент, декомпозиция, адаптив усуллар, инновацион ва интеграцион ёндашувлар, замонавий ва юқори адекватликка эга эконометрик моделлар ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Қишлоқ ҳудудларида ижобий иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири сифатида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш миқдорининг ортишида кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвалдан кўришиб турибдики, 2017 – 2019 йиллар давомида республикамиз қишлоқ жойлари бўйича ёшлар учун яратилган иш ўринлари сони 15,5 фоизга кўпайган. Иш ўринларининг бундай ўсиш тенденцияси республиканинг барча қишлоқ ҳудудларига ҳам хос бўлган. Айниқса, ёшлар ишсизлиги даражаси юқори бўлган Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ туманларида ёшлар учун яратилган иш ўринлари сони 18,4 фоизга кўпайганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойлари бўйича ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишнинг ўзгариши [6], (дона)

№	Ҳудудлар номи	2017 йил	2019 йил	2019 йилда 2017 йилга нисбатан, %да
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	4738	5609	118,4
2.	Андижон вилояти	8458	9744	115,2
3.	Бухоро вилояти	6343	6999	110,3
4.	Жиззах вилояти	5304	5799	109,3
5.	Қашқадарё вилояти	6106	7092	116,1
6.	Навоий вилояти	4825	5378	111,5
7.	Наманган вилояти	7080	8083	114,1
8.	Самарқанд вилояти	10953	12995	118,6
9.	Сурхондарё вилояти	4081	4950	121,3
10.	Сирдарё вилояти	3052	3560	116,6

11.	Тошкент вилояти	18701	21857	116,9
12.	Фарғона вилояти	10474	12401	118,4
13.	Хоразм вилояти	6684	7393	110,6
	Республика бўйича	96799	111860	115,5

2019 йилда қишлоқ жойларида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, ёшлар учун 102726 та иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган бўлиб, ҳақиқатда эса 111860 та иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 8,9 фоизга ошириб бажарилди.

Республикада қишлоқ жойлари бўйича ёшлар учун янги иш ўринларининг деярли ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ҳамда хунармандчиликни янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларининг ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда бу соҳада жами 74197 та ёшлар учун янги иш ўринлари яратилган бўлиб, бу 2017 йилга нисбатан (65887 та) 11,2 %га кўп демакдир.

Тадиқотларимиздан маълум бўлдики, 2019 йилда мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларида ташкил этилган ёшлар учун янги иш ўринларининг 43,3 фоизи асосан кичик лойиҳалар (маҳаллий лойиҳалар, ўз маблағи ҳисобига кредит олмасдан) ҳисобидан яратилган. Қишлоқ жойларида яратилган ёшлар учун янги иш ўринлари кредит бериш ҳамда турли жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринлари (25,5%), йирик лойиҳалар (13,4%), хунармандчиликни ривожлантириш (7,8%), давлат бюджети маблағлари ва давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ишга тушадиган ижтимоий ва бошқа объектлар (5,5%), фаолият кўрсатмаётган, самарасиз фойдаланаётган бинолар ва қурилиши тугалланмаган объектлар негизда (4,6%) янги иш ўринлари ташкил этилган.

Шунингдек, республикада қишлоқ жойларида 2019 йилда кредит бериш ҳамда турли жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш манбалари бўйича жами ёшлар учун ташкил этилган янги иш ўринларининг 36,7% – тижорат банклари маблағлари ҳисобидан, 36,6% – «Yoshlar-kelajagimiz» жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 14,2% – фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 6,7% – Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 5,8% – янги иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантириш ҳудудий жамғармалари маблағлари ҳисобидан ташкил этилган.

Умуман олганда, мамлакатимизда турли давлат ва маҳаллий дастурларни инвестициялари, кредитлар ва жамғармалар, хусусан, «Yoshlar-kelajagimiz»

Республика жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш каби ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилган. Мазкур манбалар ҳисобидан ушбу тармоқларда қишлоқ ёшлари учун ташкил этилаётган янги иш ўринларининг улуши 55,5 %га тенг бўлмоқда.


Ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этилишига асосий иқтисодий, ижтимоий-демографик ва ташкилий-ҳуқуқий омиллар бевосита таъсир этади (1-расм).

Қишлоқ жойлардаги ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этишда асосий иқтисодий омиллар етакчи ўринни эгаллайди. Улар орасида кафолатланган ва ихтисослашган тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, мамлакат миқёсида қишлоқ жойларда ноқишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш юзасидан: ёшлар учун қайта ишлаш саноати корхоналарида янги иш ўринларини ташкил этишда ихтисослашган инвестицияларни ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этишга кафолатланган инвестицияларни жалб этиш каби иқтисодий воситалар муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, ноқишлоқ хўжалиги корхоналарида ёшлар учун янги иш ўрини ташкил этадиган хўжалик субъектларига кредит ва солиқ имтиёзлари бериш ҳамда ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг эгилувчан механизмларидан фойдаланиш каби омиллар ўринли таъсир кучига эга. Макроиқтисодий даражада: ёшлар учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иш ўринлари ташкил этишни иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда қурилиш тармоғида ёшлар учун моддий рағбатлантирувчи иш ўринларини ташкил этиш сингари омиллар ўта муҳим ҳисобланади.

Қишлоқ ёшлари учун ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринлари яратишга таъсир этувчи **ижтимоий-экологик омиллар** мазкур жараёнда юзага келадиган ижтимоий-экологик ва меҳнат хавфсизлиги муносабатларини юқори босқичга чиқаради. Улар таркибида ишсиз ёшларни ноқишлоқ хўжалиги учун тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ёшларни янги иш ўринларига ишга жойлашишига қўмаклашиш ҳамда янги иш ўринларида меҳнат қилиши учун зарурий шароитларни яратиш, меҳнатга лаёқатли ёшларни янги иш ўринларига мослашишини ошириш ва улар қўнимсизлигини камайтириш, ёшлар учун ташкил этилган иш ўринларида экологик ва меҳнат хавфсизликларини таъминлаш, ноқишлоқ хўжалигида янги иш ўринлари билан банд бўлувчиларни имтиёзли уй-жой билан таъминлаш каби омиллар самарали таъсир кучига эга.

Қишлоқ жойларда ёшлар учун ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш ўринларини ташкил этишда асосий **ташкилий-ҳуқуқий омиллар** ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф нисбатини аниқлаш асосида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этишнинг оптимал параметрларини белгилашга бевосита таъсир кўрсатади. Улар таркибидаги: қишлоқ жойларда ёшлар ўртасида норасмий иш билан бандликни камайтиришни ташкил этиш, ёшлар учун квоталанган иш ўринларини ташкил этиш самарасини ошириш, қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқларидаги янги иш ўринларида ишлайдиган ёш ходимларнинг касбий даражасини ошириш марказларини ташкил этиш, ноқишлоқ хўжалиги янги иш ўринларининг иш

берувчилари билан ёшлар ўртасидаги меҳнат шартномаларини такомиллаштириш ҳамда ноқишлоқ хўжалигида ортиқча бўлган ёшлар ишчи кучини ички ва ташқи меҳнат миграцияларини самарали ташкил этиш каби омиллар муҳим таъсир кучига эга.



1-расм. Қишлоқ жойлардаги ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш жойларини ташкил этишнинг асосий омиллари.*

Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Юқори адекватликка эга эконометрик моделларни ва уларга тегишли амалий дастурлар пакетларини қўллаш асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойлардаги ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли прогнози аниқланди (2-жадвал).

Республика қишлоқ ҳудудларининг ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича юқори ўсиш суръатлари асосан қайта ишлаш саноати (+10502 та ёки 177,1%), қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати (+7634 та ёки 167,0%), спорт ва ижтимоий таъминот (+684 та ёки 157,6%), уй-жой коммунал хўжалиги (+883 та ёки 154,7%), транспорт ва алоқа (+1814 та ёки 152,0%)да кузатилиши мумкин.

Мамлакатимиз ҳудудларида амалга оширилаётган инвестицион сиёсат қишлоқ жойларда ёшлар учун ноқишлоқ хўжалиги иш ўринларининг кенгайиб боришини юзага келтириши лозим. Бунинг натижасида ушбу тармоқларда иш билан банд бўлган ёшлар сони ҳам мунтазам ўсиб боради.

Шундан келиб чиқиб, прогнозлаштирилаётган даврлар оралиғида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида иш билан бандлар, яъни ишловчилар сони 42,4%га ўсиши ёки 38165 кишига ортиши кутилмоқда.

2-жадвалдаги таҳлилий маълумотларга эътиборимизни қаратсак шу нарса маълум бўладики, қайта ишлаш саноатининг замонавий тармоқлари ривожланиши натижасида унда банд бўлган ёшлар сони мунтазам ошиб бормоқда. Хусусан, истиқболдаги даврда бу кўрсаткич 13234 кишига ошиши прогнозлаштирилмоқда. Шунингдек, ноқишлоқ хўжалиги тармоқларидаги таркибий ислохотлар натижасида қишлоқ ҳудудларида иш билан банд ёшлар сонининг юқори суръатларда ошиши кутилаётган тармоқларга қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати (9694 киши), транспорт ва алоқа (2309 киши), савдо ва умумий овқатланиш (6425 киши), соғлиқни сақлаш (1469 киши), маориф ва маданият (1293 киши) қабилар кириши кутилмоқда. Шу билан бирга, иш билан банд ёшлар сони иқтисодийнинг молия, кредитлаш ва суғурта (210 киши), спорт ва ижтимоий таъминоат (868 киши), маиший хизмат (322 киши) каби соҳаларида ҳисобот даврига нисбатан пастроқ ўсиш суръатига эга бўлиши прогнозлаштирилмоқда.

Қўлланган юқори адекватликка эга эконометрик моделлар ва уларга тегишли амалий дастурлар пакетлари асосида Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ташкил этилиши ва уларда иш билан банд бўлишнинг қисқа муддатли прогнози аниқланди.

Республикамизнинг меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган танлаб олинган қишлоқ туманларида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшларнинг иш билан бандлигини прогноз параметрлари бўйича 2020–2025 йилларда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,7 %га, Ургут туманида – 7,8 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида мос равишда – 10,6 % ҳамда 13,9 %га ошади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳудудларининг ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринлари ва уларда ишловчилар прогнози¹

№	Ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари номи	Кўрсаткичлар ва уларнинг ўлчов бирликлари	2019 й. (ҳисобот йили)	Прогноз даври						2025 йилда 2019 йилга нисбатан миқдорий ўзгариши, + ; -
				2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.	
1.	Ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари бўйича, жами	янги иш ўринлари, дона	74197	78578	82084	94592	96729	99919	103949	+29752
	<i>шу жумладан:</i>	ишловчилар, киши	90032	96299	102118	109118	118562	124809	128197	+38165
1.1.	Қайта ишлаш саноати	янги иш ўринлари, дона	13614	15335	17073	20034	21215	22603	24116	+10502
		ишловчилар, киши	16476	18793	20496	23093	26023	28263	29710	+13234
1.2.	Қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати	янги иш ўринлари, дона	11389	12534	13322	16148	17006	17769	19023	+7634
		ишловчилар, киши	13775	15290	16944	18622	20628	22189	23469	+9694
1.3.	Энергетика	янги иш ўринлари, дона	1366	1377	1382	1553	1528	1530	1559	+193
		ишловчилар, киши	1621	1690	1715	1772	1893	1918	1924	+303
1.4.	Транспорт ва алоқа	янги иш ўринлари, дона	3487	3690	3768	4667	4772	5002	5301	+1814
		ишловчилар, киши	4231	4569	4962	5386	5988	6396	6540	+2309
1.5.	Савдо ва умумий овқат-ланаш	янги иш ўринлари, дона	17955	18598	19098	21677	22029	22505	22869	+4914
		ишловчилар, киши	21788	22591	23717	25002	26867	27880	28213	+6425
1.6.	Уй-жой коммунал хўжалиги	янги иш ўринлари, дона	1612	1754	1877	2180	2217	2351	2495	+883
		ишловчилар, киши	1981	2202	2350	2529	2789	2961	3077	+1096
1.7.	Маиший хизмат кўрсатиш	янги иш ўринлари, дона	3149	3147	3134	3439	3327	3315	3326	+177
		ишловчилар, киши	3781	3867	3894	3943	4077	4139	4103	+322
1.8.	Соғлиқни сақлаш	янги иш ўринлари, дона	5372	5554	5631	6274	6216	6338	6445	+1073
		ишловчилар, киши	6482	6768	7029	7216	7623	7887	7951	+1469
1.9.	Спорт ва ижтимоий таъминот	янги иш ўринлари, дона	1187	1312	1398	1624	1697	1755	1871	+684
		ишловчилар, киши	1440	1574	1742	1874	2084	2236	2308	+868
1.10.	Маориф ва маданият	янги иш ўринлари, дона	7494	7607	7659	8450	8310	8338	8420	+926
		ишловчилар, киши	9094	9352	9528	9741	10190	10359	10387	+1293
1.11.	Молия, кредитлаш ва сугурта	янги иш ўринлари, дона	2156	2170	2153	2359	2295	2277	2287	+131
		ишловчилар, киши	2611	2659	2678	2716	2816	2856	2821	+210
1.12.	Бошқа тармоқлар	янги иш ўринлари, дона	5416	5500	5590	6187	6117	6136	6237	+821
		ишловчилар, киши	6752	6944	7062	7224	7584	7725	7694	+942

¹ Манба: жадвал маълумотлари мўаллифлар ҳисоб-китоблари асосида амалга оширилган.

Шу билан бирга, истикболда қайта ишлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,5 %га, Ургут туманида – 12,3 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 10,8 %га, Шаҳрисабз туманида – 14,0 %га ўсади.

Яқин келажакдаги истикболда қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,3 %га, Ургут туманида – 7,7 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида мос равишда – 18,5 % ва 9,1 %га ошиши прогнозлаштирилмоқда. Шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоғида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,7 %га, Ургут туманида – 6,6 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 9,2 %га, Шаҳрисабз туманида – 14,6 %га қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини ўсиши кутилмоқда.

Бошқа ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ ёшларининг иш билан бандлиги Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,9 %га, Ургут туманида – 7,7 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 10,8 %га, Шаҳрисабз туманида – 15,3 %га ўсиши истикболда кутилади.

Мамлакатимизнинг **меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган** танлаб олинган қишлоқ туманларини ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича прогноз параметрлари 2020–2025 йилларда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,6 %га, Ургут туманида – 7,8 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида, мос равишда – 10,6 % ҳамда 14,0 %га ошади.

Мазкур кўрсаткичлар қайта ишлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,5 %га, Ургут туманида – 12,2 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 10,8 %га, Шаҳрисабз туманида – 13,9 %га ўсиши истикболда кузатилиши мумкин.

Қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича прогноз қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,3 %га, Ургут туманида – 7,8 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманларида мос ҳолда – 18,4 % ва 9,2 %га ошиши кутилмоқда. Хизмат кўрсатиш тармоғида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида – 5,7 %га, Ургут туманида – 6,6 %га, Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида – 9,0 %га, Шаҳрисабз туманида – 14,6 %га ўсиши прогнозлаштирилмоқда.

Республикамизнинг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган танланган қишлоқ туманларида ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида қишлоқ ёшлари иш билан бандлигининг истикбол кўрсаткичларига назар солсак, ушбу кўрсаткич 2020 – 2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Эллиққалъа туманида – 12,4 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос ҳолда – 17,4 % ва 12,0 %га ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, ушбу кўрсаткич қайта ишлаш саноати бўйича 2020–2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,5 %га, Эллиққалъа туманида – 13,3 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос равишда – 15,5 % ва 13,6 %га ошиши мумкин.

Шу билан бирга, қишлоқ ёшларининг иш билан бандлиги қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний

туманида – 11,4 %га, Эллиққалъа туманида – 9,2 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 16,9 %га, Пахтакор туманида – 10,7 %га ошиши прогнозлаштирилмоқда. Қишлоқ ёшларининг хизмат кўрсатиш тармоғида иш билан бандлиги Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Эллиққалъа туманида – 12,8 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 18,6 %га, Пахтакор туманида – 11,4 %га ўсиши кутилмоқда.

Республикамизнинг меҳнат ресурслари билан кам таъминланган танланган қишлоқ туманларини ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича прогноз параметрлари 2020 – 2025 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Эллиққалъа туманида – 12,4 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос равишда – 17,4 % ҳамда 12,1 %га ошиши кузатилиши мумкин.

Ушбу кўрсаткич қайта ишлаш саноатида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,5 %га, Эллиққалъа туманида – 13,3 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 15,5 %га, Пахтакор туманида – 13,6 %га ўсиши прогнозлаштирилмоқда.

Қишлоқ ёшлари учун янги иш ўринларининг ташкил этилиши бўйича прогноз даврида қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноатида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,4 %га, Эллиққалъа туманида – 9,1 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор ва Пахтакор туманларида мос ҳолда – 16,8 % ва 10,7 %га ошиши кутилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида – 11,3 %га, Эллиққалъа туманида – 12,8 %га, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида – 18,6 %га, Пахтакор туманида – 11,5 %га ўсиши истиқболда кутилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Умуман олганда, муаммонинг долзарблигидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, республикамиз ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун ҳозирги янги иш ўринларини яратиш даражаси қониқарли эмас.

Фикримизча, яқин келажакда республикамиз қишлоқ ҳудудларидаги қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа ноқишлоқ хўжалиги тармоқларидаги ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш асосида меҳнатга лаёқатли қишлоқ ёшларининг иш билан бандлигини оширишнинг 2020 – 2025 йиллар учун прогноз параметрларига эришиш учун қуйидаги **асосий тадбирларни амалга ошириш зарур**:

– қишлоқ жойларида кафолатланган инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш;

– қишлоқ жойларда ёшлар учун ноқишлоқ хўжалиги иш жойларини яратишни маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига субсидиялаш;

– қишлоқ ҳудудлари хусусиятларига кўра, қайта ишлаш саноати, қурилиш ва қурилиш материаллари тайёрлаш саноати, хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда инвестицион жозибадорликни ошириш;

Тошкент молия институтининг «Таҳририят ва нашриёт»
бўлимида нашрга тайёрланди.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Молия» илмий журналдан
олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва
маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисоб-
ланади.

Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди.
Таҳририятга юборилган кўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Молия» илмий журналга «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда
«INTER PRESS» компаниялари орқали обуна бўлиш мумкин.

Теришга берилди: 01.10.2020 й. Босишга рухсат этилди: 13.10.2020 й.

Бичими 70x100_{1/16}. Шартли босма табағи 16,25.

Ҳисоб-нашр табағи 16,50. Адади 250 нусха. Буюртма № 8.

Баҳоси келишилган ҳолда.

Босмахона гувоҳномаси № 10-24-10
«Ҳумоюнбек истиқлол мўъжизаси» босмахонасида
ризография усулида чоп этилди.